**ТАСДИҚЛАЙМАН:**

Бошқарувчи Директор
(Харид комиссияси раиси)
«УзАвто Моторс Пауэртрейн» АЖ
(корпоратив буюртмачи номи)
______________ Гулямов Саидазим Миркамалович
(имзо) (Ф.И.Ш)
«08» 08 2022й.

# «УзАвто Моторс Пауэртрейн» АЖ эҳтиёжи учун

***“Таъмирлаш участкаси” объект қурилиш-монтаж ишлари якунлангандан сўнг Назорат ўлчови ишлариини***

**сотиб олиш бўйича техник топшириқ.**

Тошкент шахар.

2022 й.

## Умумий маълумотлар ва техник талаблар:

| | | |
|---|---|---|
| 1 | **Корпоратив буюртмачининг ички буюртма рақами** | PR № 10000125 2 |
| 2 | **Буюртма тури** | *1. Бир марталик харид (корпоратив буюртмачи техник топшириқда кўрсатилган барча товарлар (ишлар, хизматлар) тўлиқ харид қилади)* |
| 3 | **Харид килиш кўзда тутилган барча товарлар (ишлар, хизматлар) учун режа жадвал махсус ахборот порталида жойлаштирилганлиги ҳақида маълумот** | |
| 4 | **Товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олиш заруратининг асосланганлиги** | *«Уз Авто Моторс Пауэртрейн» АЖ йиғилиш баённомасининг 2022 йил "29" – июльдаги 1 чи сон баённомаси.* |
| 5 | **Товарлар (ишлар, хизматлар)дан фойдаланиладиган жой** | *«Уз Авто Моторс Пауэртрейн» АЖ Таъмирлаш участкаси* |
| 6 | **Харид килиш кўзда тутилган барча товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақида маълумот** | *Ушбу техник топшириқнинг 2 иловасига қаралсин* |
| 7 | **Товарлар (ишлар, хизматлар) янгили ҳақида маълумот (ишлаб чиқарилган сана)** | *Ижрочи Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 майдаги 321-сон қарорига 4-ИЛОВА га асосланган холда утказиши таъминлаш* |
| 8 | **Товарлар (ишлар, хизматлар) бюджет нархлари ва уларнинг асосланганлиги** | *Ижрочи Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 майдаги 321-сон га асосан* |
| 9 | **Тижорат таклифларини техник томонлама баҳолаш меъзонлари ва усуллари** | *1. Ўхшаш қурилиш-монтаж ишларида назорат ўлчовларини ўтказиш соҳасида камида 10 йиллик тажрибага эга бўлган 10 нафар мутахассислари бўлиши лозим.*<br>*2. Назорат ўлчовини утказувчи ташкилот, таркибида доимий равишда фаолият курсатувчи, шаҳарсозлик соҳасида камида 20 нафар олий маълумотли ва юқори касбий маҳоратга эга бўлган, қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича етарли кўникмаларга ва сертификатга эга бўлган мутахассислари мавжуд корхона томонидан амалга оширилиши лозим.*<br>*3. Молиявий барқарорлиги.*<br>*4. Сўнги камида 2 йилги Молиявий ҳолати тўғрисида маълумот тақдим қилиши лозим (Ф-1, Ф-2)*<br>*5. Ўхшаш объектларнинг қурилиш-монтаж ишлари назорат ўлчовларини ўтказиш бўйича тажрибага эга бўлиши, бажарилган ишларнинг камида 5 та. (тасдиқловчи хужжатлар илова қилинган ҳолда).*<br>*6. Охирги бир йил ичида қурилиш монтаж ишларининг умумий қиймати камида 15 млрд. дан ошган, объектда назорат ўлчов ишларини амалга оширган бўлиши керак. (тасдиқловчи хужжатлар илова қилинган ҳолда).*<br>*7. Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун ЛИЦЕНЗИЯ (мураккаблик бўйича камида 2-тоифалик) булиши.* |
| 10 | **Товар (иш, хизмат)ларни етқазиб бериш базиси ва муддатларига бўлган талаблар, ҳамда бошқа етқазиб бериш билан боғлиқ талаблар** | *Назорат ўлчовини ўтказиш, қоида тариқасида, шартнома асосида аванс маблағлари ўтказилгандан сўнг ваколатли ташкилот назорат ўлчовини ўтказиш объекти манзили ва муддатини аниқ кўрсатган ҳолда тегишли ташкилотларни (буюртмачи, пудрат ташкилоти, лойиҳа ташкилоти ва* |

| | | |
|---|---|---|
| | | *объектдан фойдаланувчини) назорат ўлчови бошланишидан ўн кун олдин хабардор қилади.* |
| 11 | **Товар (иш, хизматлар)нинг алоҳида тавсифнома ва сифат кўрсаткичлари (агар мавжуд бўлса)** | *1. Объектда амалга оширилган қурилиш-монтаж ишларининг амалда бажарилган қиймати ва бажарилган иш учун тўланган ва тақдим этилган нархларни пул миқдорини текшириш.*<br>*2. Объектнинг лойиҳа-смета хужжатларида назарда тутилган хусусиятларга ва мақсадларига мувофиқлигини текшириш.*<br>*3. Айрим иш турларининг бажарилган ишлар далолатномаларида такроран акс эттирилганлиги.*<br>*4. Илгари тўланган ишларни қайтадан тўловга тақдим этилганлиги, ўрнатиш ишлари таркибида бўлган асбоб-ускуналарнинг алоҳида акс эттирилганлиги*<br>*5. Ҳақиқатдаги иш шароитлари ва ишлар таснифига (масалан, баланд бинолардаги, қишги мавсумдаги ишлар ва ҳ.к.) мос келмайдиган коэффициентларнинг қўлланилганлиги;*<br>*6. Асбоб-ускуналар ва коммуникация тизимларининг синовдан ўтказилмаган ҳолда бажарилган ишлар таркибига киритилганлиги;*<br>*7. Қабул қилиш актларида кўрсатиб ўтилган ҳажмларни амалда бажарилганлигини ва объектни фойдаланишга тайёрлигини аниқлаш.*<br>*8. Объектда ишлатилган қурилиш материаллари ва буюмларнинг яширин иш далолатномалари, ижро чизмалари, муаллифлик назорати журнали ва юк хатларида келтирилган маълумотларга мувофиқлигини текшириш.*<br>*9. Назорат ўлчовини техник хавфсизлик талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда амалга ошириш.*<br>*6. Назорат ўлчовини тўғридан-тўғри объектга ташриф буюриш ва ўлчов воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш.*<br>*10. Назорат ўлчовини амалга оширишда қурилиш соҳасидаги амалдаги норматив-хуқуқий ва меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиш.*<br>*11. Назорат ўлчови натижасига кўра қурилиш объектида ҳақиқатда бажарилган иш ҳажмларида лойиҳадан четга чиқиш ҳолатлари мавжуд бўлса, ушбу ҳолатларни кўрсатиш.*<br>*12. Ҳисоботларда арифметик хатоларнинг мавжудлиги ва бошқа ҳисоб-китобларни текшириш.* |
| 12 | **Товар (иш, хизмат)ларни эксплуатация килиш (фойдаланиш) умумий шартлари, муддати ва бошқа кўшимча/махсус талаблари** | *Назорат ўлчови ўтказиш муддати 40 кун*<br>*Назорат ўлчови натижаси тегишли далолатнома билан 3 нусхада расмийлаштирилади ва назорат ўлчовини ўтказиш бўйича манфаатдор ташкилот, пудратчи ташкилотда ва ваколатли ташкилотда бир нусхадан сақланади..* |
| 13 | **Кафолат муддати, лицензия, тренинг, сертификат ва бошқа кўшимча талаблар** | *Назорат ўлчови ўтказилаётган қурилиш объекти билан боғлиқ ҳужжатлар ва маълумотларни талаб қилиш;*<br>*Назорат ўлчови ўтказилаётган объект қурилиши билан боғлиқ бўлган маълумотларнинг тўғрилигини текшириб бериш учун тегишли вазирликлар ва идораларга сўровларни юбориш;*<br>*Вазирликлар ва идоралардан фаолият билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тушунтиришлар сўраш;*<br>*Махсус билим ва кўникмага эга бўлган мутахассисларни жалб қилиш;*<br>*Аниқланган тизимли камчиликларни таҳлил қилиш ва бартараф этиш юзасидан ваколатли идораларга асослантирилган таклифларни киритиш.* |

| | | |
|---|---|---|
| 14 | **Чизмалар, эскизлар, ўлчамлар ва буюртма миқдори бўйича талаблар** | *Бинонинг ўлчамлари ;* ***100х30*** *метр*<br>*Баландлиги 9 метр* |
| 15 | **Синовлар ва синов усуллари, муддати ҳақида талаблар** | *Назоратчи назорат ўлчовини амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тўғри ўтказилганлигига ҳамда назорат ўлчови натижасига кўра аниқланган камчиликлар, ҳисоб-китоблар ва далолатномани қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тўғри расмийлаштирилганлигига жавобгар ҳисобланади.*<br>*Қурилиш объектида миқдорни аниқлаш ва ўлчаш мураккаб бўлган конструкциялар ҳақиқатда бажарилган ишларнинг ишчи чизмалари ва таснифлари билан мувофиқлигини текшириш асосида тасдиқланиши мумкин.*<br>*Бунда қурилишда бажарилган ишларнинг ҳажмлари ва таркибини асослайдиган мавжуд бирламчи ҳужжатлардан, шу жумладан, бажарилган ёпиқ ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари ҳамда буюртмачи ва лойиҳачи ташкилот билан мувофиқлаштирилган ижро чизмаларидан фойдаланилади.*<br>*Бажарилган ёпиқ ишларнинг ҳажмларини текшириш белгиланган тартибда расмийлаштирилган ёпиқ ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари ҳамда ижро чизмалари асосида амалга оширилади.*<br>*Объект қурилиши бўйича далолатномалар мавжуд бўлмаган тақдирда, зарур ҳолларда назоратчи бош пудратчи ҳисобидан қилинган ишларни очиб текширишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.*<br>*Объектларда бузиш ва демонтаж ишлари бўйича назорат ўлчови улар бўйича тақдим қилинган далолатномаларга асосан қурилишнинг техник ҳолати, фойдаланишда бўлган кирим қилинган қурилиш материалларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.*<br>*Объектларда бажарилган қурилиш-монтаж ишлари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида расмийлаштирилмаган тақдирда, улар ҳақиқатда бажарилмаган деб ҳисобланади.* |
| 16 | **Қадоқлаш, тамғалаш ҳақидаги ёки мувофиқлик сертификати бўйича талаблар** | *Қурилиш объектларида ваколатли ташкилот томонидан назорат ўлчовини ўтказиш шаҳарсозлик соҳасида сертификатланган мутахассисларни мавжудлиги.* |
| 17 | **Етказиб берувчи (Иштирокчи)нинг малакасига ва техник салоҳиятига нисбатан талаблар** | *Ўхшаш қурилиш-монтаж ишларида назорат ўлчовларини ўтказиш соҳасида камида 10 йиллик тажрибага эга бўлган 10 нафар мутахассислари бўлиши лозим.*<br>*Назорат ўлчовини утказувчи ташкилот, таркибида доимий равишда фаолият, шаҳарсозлик соҳасида камида 20 нафар олий маълумотли ва юқори касбий маҳоратга эга бўлган, қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича етарли кўникмаларга ва сертификатга эга бўлган мутахассислари мавжуд корхона томонидан амалга оширилиши лозим.* |
| 18 | **Дизайн талаблари, ўрнатиш ва техник талаблар, компонентлар, таркибий қисмлар ва материалларга қўйиладиган талаблар, мустаҳкамлик ва атроф мухит ва бошқа ташқи омиллар таъсири остида вужудга келадиган параметрларга қўйиладиган талаблар, электр таъминот ва қувват бўйича талаблар** | *Мавжуд эмас* |

| | | |
|---|---|---|
| 19 | **Экологик, санитария ва хавфсизлик талаблари** | ***Мавжуд эмас*** |
| 20 | **Бошқа қўшимча талаблар** | *Ваколатли ташкилот ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикас Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Оли Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекисто Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари в фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари в фармойишларига, ушбу Низомга, шунингдек, бошқа қонунчили ҳужжатларига амал қиладилар.* |

## 2 Илова (Ишлар, хизматлар учун)

| № | Бажарилиши керак бўлган ишларнинг, хизматларнинг давлат тилидаги номи | Бажарилиши керак бўлган ишларнинг, хизматларнинг рус ва инглиз тилларидаги номи | Техник талаблар (узунлиги, материали, таркиби, ва бошқалар техник хусусиятлар) | Чизмалар ва иловалар | Ўлчов бирлигва миқдори | Ишлар бажарилиши, хизматлар кўрсатилиши керак бўлган жой | Ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш муддатлари | Иш, хизматнинг бошланғич нархи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Лойиха хужжатлари | Проектная документация | | | | проект 100x30 new.7z | | 204,234,281 |
| | | | | | | | | |
| | | | | | | | | |

**Ишлаб чиқилди:**
Мухандислик коммуникациялари Биноларни ишлатиш ва уларга хизмат курсатиш бошкармаси муҳандиси — Джаббаров Рустам (ФИШ) — (имзо)

Мухандислик коммуникациялари Биноларни ишлатиш ва уларга хизмат курсатиш бошкармаси муҳандиси — Сайдуллаев Дилшод (ФИШ) — (имзо)

**Келишилинди:**
Мухандислик коммуникациялари Биноларни ишлатиш ва уларга хизмат курсатиш бошкармаси бошлиги — Велиев Махмуд (ФИШ) — (имзо)